# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган | № 136 (9.786) 2002 йил 18 ноябрь, душанба | Сотувда эркин нархда


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# Республика банк кенгашини тузиш тўғрисида

**Иқтисодий ислоҳотлар янада чуқурлаштирилиши ва банк тизими эркинлаштирилишини таъминлаш, банк қонунчилигини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятини ташкил этиш даражаси ва самарадорлигини ошириш, республика тижорат банкларининг ривожланишига ҳамда барқарор фаолият кўрсатишига кўмаклашиш мақсадида:**

1. Республика банк кенгаши тузилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Республика банк кенгаши доимий ишловчи коллегиал орган бўлиб, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобот беради.

2. Республика банк кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгилансин:

банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, банк қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

мунтазам таҳлил асосида макроиқтисодиёт ва бюджет сиёсати билан ўзаро боғлиқ бўлган пул-кредит сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, шу сиёсатнинг иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча томонларини ислоҳ қилиш мақсадли вазифалари ҳамда устувор йўналишларига, мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга доир қабул қилинган комплекс дастурларга мувофиқлигини аниқлаш;

миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, пул тизимини мустаҳкамлаш, пул массасининг ўсишини чеклаш ҳамда банкдан ташқари айланмани камайтириш, пул айланмасида нақд ва нақдсиз пул массасининг мақбул нисбатини таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

аҳолининг банк тизимига ишончини мустаҳкамлаш, пул маблағларининг банк омонатларига жалб этилишини рағбатлантириш, фуқаролар омонатлари ҳимоя этилиши кафолатларининг кучли механизмини яратиш борасидаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

тижорат банкларининг инвестиция жараёнида ва иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларида иштирок этишини фаоллаштиришга қаратилган қўшимча иқтисодий омилларнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш;

валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, банклараро валюта бозорини ривожлантириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, олтин-валюта захиралари барқарор ва муттасил кўпайиб боришини таъминлаш, давлатнинг валюта маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

республиканинг банк тизимини ҳамда банклараро муносабатлар механизмини ривожлантириш ва такомиллаштириш, тижорат банкларининг мустақиллигини, улар фаолиятининг ишончлилиги ва барқарорлигини ошириш, уларнинг халқаро кредит рейтингини кўтариш, халқаро молия-кредит тизимига кенг кўламда қўшилиш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

3. Республика банк кенгаши тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Марказий банки манфаатдор тузилмалар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. Муллажонов зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 15 ноябрь

# Ўзбекнинг байроғи — иқболидек ёрқин, ғururидек сарбаланд

**Бугун Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганига 11 йил тўлди**



Байроқ — давлатнинг тузумини, шу давлатда яшовчи халқнинг табиати, менталитети, иқтисодий асослари ва бошқа муҳим белгиларини англатадиган герб, миллий валюта, мадҳия каби энг муҳим тимсоллардан бири.

Байроқнинг ёши нечада? Унинг илк ихтирочиси ким?

Тарихий манбаларда айтилишича, мустақил давлат ва унда яшовчи фуқаролар дахлсизлиги ифодаси ҳисобланувчи бу рамзни яратиш ғояси илк бор минг йиллар муқаддам қадимги овчилар ва жангчилар орасида туғилган. Дастлабки байроқлар ҳайвон териси ёки қуш патларидан ясалгани ва уларда турли жонзотлар тасвирини акс эттириш анъанага айлангани ҳам шундан далолат беради.

Даставвал байроқ аждодларимизга жанг ёхуд сафарлар чоғида ўз йўлбошчиларини кўз-кўз этиш ва уни ўзлари ҳам кўриб туришлари, шунингдек, дўст-душманни олисдан таниб олишлари учун ниҳоятда зарур бўлган.

Демак, байроқ давлатнинг рамзий белгиларидан бири сифатида шаклланишнинг узоқ тарихий йўлини босиб ўтди. Ҳозирги даврда давлат байроғининг аҳамияти юксак. Бунинг сабаби шуки, халқларнинг мустақиллик учун кураши ва бу йўлда эришган ғалабаси, жумладан, улар тузган давлатнинг байроғида ҳам намоён бўлмоқда.

Башарият тарихининг барча даврларида барча халқлар учун ўз давлат рамзлари, хусусан, давлат байроғи Ватан тимсоли сифатида азиз ва муқаддас саналган.

Мисол учун, Америка Қўшма Штатлари халқи учун фожиали кунларда — 11 сентябрь воқеаларидан сўнг америкаликлар дори-дармон, озиқ-овқатга нисбатан давлат байроғини харид қилиш учун кўпроқ аҳд этганини эслайлик. Ватанпарварлик туйғусининг ана шундай ўзига хос юксак намойишини кўриб, эшитиб таъсирланмаган кишилар кам топилса керак.

Йигирма йилдан кўпроқ давом этган уруш барҳам топгандан сўнг тузилган Афғонистон муваққат ҳукуматининг дастлабки қарорларидан бири ҳам айнан давлат байроғини қабул қилиш масаласига бағишлангани бежиз эмас.

Мамлакатимизда бугун ўн бир йиллиги нишонланаётган ўз давлатимиз байроғи тарихига тўхталадиган бўлсак, бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фидокорона саъй-ҳаракатларини эҳтиром билан тилга олмоқ керак.

Зеро, Юртбошимиз ташаббуси билан ҳали собиқ иттифоқ, унинг куч-қудрати, сиёсати, давлат рамзлари амалда бўлиб турган қалтис бир пайтда — 1990 йил март ойидаёқ давлат рамзлари ҳақидаги масала парламент сессиясида муҳокама қилинганди.

Орадан кўп ўтмай — ўша йили 20 июнда қабул қилинган Мустақиллик декларациясида Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилаши ва байроқ, герб, мадҳия каби давлат рамзларини ўзи таъсис этажаги қайд этилди.

Истиқлол бу борадаги изчил изланишларга янги куч ва илҳом бағишлади. Ва ниҳоят, 1991 йил 18 ноябрь куни Олий Кенгашнинг еттинчи сессиясида мамлакатимиз давлат суверенитетининг рамзларидан бири — Ўзбекистоннинг давлат байроғи тасдиқланди.

Бу буюк тимсол бугунги кунда мамлакатимиз Президенти саройида, Олий Мажлис, Ўзбекистон ҳукумати, маҳаллий давлат идораларида, Ўзбекистоннинг турли ваколатхоналари иш олиб бораётган хорижий мамлакатларда, БМТ ва бошқа қатор халқаро ташкилотлар қароргоҳида мағрур ҳилпираб турибди.

Бу тимсол ҳар бир ўзбек учун, ўзбекистонлик учун она Ватан каби азиз ва муқаддас.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

ҲАМКОРЛИК



**Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши бевосита сифатли, харидоргир ва ўз навбатида ички ҳамда ташқи бозорда рақобатбардош бўла оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти шароитида эса бу борада замонавий технологиялар ва ускуналар асосида қўшма корхоналар фаолиятини кенг ривожлантириш алоҳида ўрин тутади.**

ПОЙТАХТНИНГ бир куни
Янгиликлар, воқеалар



# Холдинг компаниясини тузиш йўлида

Куни кеча пойтахтимизда фойдаланишга топширилган янги «Дента-инвест» қўшма корхонаси ҳам айни пайтда эҳтиёж ва талаб юқори бўлган аёллар пойабзалини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, жаҳон бозорида яхши танилган австриялик ҳамкорлар билан биргаликда ташкил қилинди.

Қўшма корхонанинг очилиш маросимида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов кейинги йилларда хорижий инвестициялар мамлакатимиз иқтисодиётига кенг жалб қилинаётгани хусусида тўхталиб, бу авваламбор Ўзбекистонда чет эл инвесторлари учун ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратилганлиги ва кафолатланганлигининг белгиси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, бу ҳақда Австрия томонидан иштирок этган «Вега маркетинг» компанияси президенти Пётр Шмидт ҳам тўлқинланиб гапирар экан, Ўзбекистон узоқ йиллик ҳамкор эканлиги, бу ерда эришилган ўзаро ишонч ва манфаатли алоқалар янада давом этишига тўла ишонч ҳосил қилгани, келажакда холдинг компаниясини тузиш нияти борлигини билдирди.

Хорижий шерикнинг йирик компания ҳақида сўзлагани бежиз эмас. Давлатлараро бозорлар конъюктурасини ўрганиш билан шуғулланувчи Австриянинг машҳур «Вега маркетинг» компаниясининг «Дента-инвест» қўшма корхонасига қўшган улуши биринчи эмас.

— Аслида Ўзбекистон билан яқиндан танишишни 70-йилларда, Россияда пойабзал бўйича дастгоҳларни ишлаб чиқариш лойиҳаси устида ишлаётган пайтимда ният қилгандим, — дейди Пётр Шмидт. — Нега деганда, сизнинг ажойиб ўлкангиз хусусида кўп эшитганман. Ниятим холис экан, шунчаки танишиш мақсадида 1996 йилда биринчи бора Ўзбекистонга келганимда, ҳамкорлик ўрнатиш имкониятлари юзасидан, жумладан «Ўзенгилсаноат» уюшмаси томонидан таклифлар билдирилди. Натижада икки йилдан сўнг Янгийўлда «Янги Вега» қўшма корхонасини туздик. Бу ерда асосан болалар оёқ кийимлари ишлаб чиқарила бошланди. Инвестиция учун барча имкониятлар мавжудлиги туфайли 2000 йилда Тошкентдаги пойабзал корхонаси негизида эркаклар махсус оёқ кийимини чиқаришга мўлжалланган яна битта «Висо» қўшма корхонасини очишга эришдик. Учинчи — «Дента-инвест» корхонасида йилига 200 мингга яқин 19 турдаги аёлларнинг замонавий ҳамда турли мавсумга мўлжалланган махсус пойабзали ишлаб чиқарилади. Ушбу корхона ҳозирча импорт асосида Австрия, Италия ва Германиядан келтирилаётган хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқаради. Бироқ, режаларимиз истиқболга йўналтирилган. «Дента-инвест» тўлиқ қувватга ўтганидан сўнг уччала қўшма корхонани ягона холдинг компаниясига бирлаштириш лойиҳасини амалга оширамиз. Холдинг бўлганидан кейин тармоқлар ҳам кенгайиб бораверади. Шу жумладан, асосий хом ашё — чармни маҳаллий равишда тайёрлаш ҳамда пойабзал учун фурнитуралар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўямиз.

«Вега маркетинг» компанияси президентининг фикрини давом эттириб, шуни айтиб ўтиш жоизки, янги қўшма корхонанинг асосий мақсади фақат импорт ўрнини босувчи маҳсулот билан ички бозорни таъминлаш эмас, балки хорижий инвесторлар томонидан мамлакатимиз валюта захирасини бойитишга кўмаклашишдан ҳам иборатдир. Ҳозирда чегарадош давлатлар — Қирғизистон ва Қозоғистон билан музокаралар олиб борилмоқда. Демак, яқин орада Австрия билан ҳамкорликда чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар экспорт қилиниши шубҳасиз.

«Дента-инвест» қўшма корхонаси фойдаланишга топширилиши ҳам кўпгина масалаларни ҳал этишга имконият берди. Австриянинг «Вега маркетинг» компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Инвестиция бош бошқармасининг улушларидан ташқари, қўшма корхонанинг ишга туширилишида «Асака» банкининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга мўлжалланган ҳамда Меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ишчи ўринларини ташкил қилишга йўналтирилган 3 миллион АҚШ долларига яқин кредитлари мақсадли бўлди. Бу ерда юзга яқин ёшлар мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди.

Агарда эришилган натижаларни умумлаштирадиган бўлсак, ўтаётган ой давомида пойтахтимизда учта — «Корофлекс», «Агрокерамика» ҳамда «Дента-инвест» Британия, Италия ва австриялик ҳамкорлар билан қиймати 10 миллион АҚШ долларидан зиёд қўшма корхоналар ўз фаолиятини бошлади, шу жумладан Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий сармоядорларнинг 4 миллион АҚШ долларига яқин маблағлари жалб қилинди, 220 дан ортиқ ишчи ўринлари очилди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**СУРАТЛАРДА: янги қўшма корхона фаолиятидан лавҳалар.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**

## ҚИСҚА сатрларда

□ **Тошкент** Давлат юридик институтида уюштирилган «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзуидаги тадбир ўқитувчилар ва талабалар иштирокида ўтказилди.

□ **ПОЙТАХТ** экспорт маркази ташаббуси билан шаҳримизда фаолият кўрсатаётган банк ходимлари, тадбиркорлар иштирокида бўлиб ўтган семинар «Ўзбекистонда экспорт-импорт операцияларини тариф орқали тартибга солишни режалаштириш» деб номланди.

□ **ТОШКЕНТ** Давлат техника университетида пойтахтимиздаги олий ўқув юртлари ўқитувчилари иштирокида ўтказилган анжуман энергетика тармоқларини ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланди.

□ **МИЛЛИЙ** матбуот марказида илм-фан мутасаддилари иштирокида бўлиб ўтган анжуманда АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида таълим соҳасидаги алоқаларни янада кучайтириш ҳақида сўз борди.

□ **ТИББИЙ** ёрдам фаолиятини янада яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳар «Тез тиббий ёрдам» бўлими 8 та автомашина билан таъминланди.

□ **РЕСПУБЛИКА** ўрта махсус таълим маркази Давлат тест маркази билан ҳамкорликда шаҳримиздаги коллеж, лицейлар директорлари ва ўқитувчиларининг билими, ҳуқуқий саводхонлиги даражасини билиш мақсадида ҳуқуқ фанлари бўйича тест синовларини ўтказди.

□ **МЕҲРГА** ташна болажонларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг жамиятда ўз ўринларини топишларига имкон туғдириш мақсадида Тошкент шаҳар «Умидворлик» марказида бўлиб ўтган «Ногирон ва жамият» мавзуидаги йиғилишда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

□ **ТОШКЕНТ** Давлат солиқ бошқармасида тадбиркорлар ва солиқ идоралари вакиллари иштирокида уюштирилган очиқ мулоқотда шаҳримизда яширин тарзда иш бошлаган цехларни тугатиш, хориждан ноқонуний маҳсулотлар келтирмаслик чора-тадбирлари ҳақида сўз борди.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

# Ўз уйимизни ўзимиз асрайлик!

**«Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза тумани бўлими ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман кенгаши ташаббуси билан иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессияси материалларини ўрганиш юзасидан аҳоли ўртасида жойларда учрашувлар ўтказилмоқда.**

Жумладан, 153-мактабда туман мактабларининг фаол ўқувчилари юқоридаги масалалар юзасидан ўзаро давра суҳбати ўтказишди.

Шунингдек, Тошкент касб-ҳунар коллежида туман вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси билан ҳамкорликда «Огоҳлик— давр талаби», «Терроризм —аср вабоси» мавзуида ўтказилган суҳбатда ҳам ёшларга ушбу мавзулар юзасидан чуқур тушунтиришлар берилди.

Шундай амалий тадбирлар тумандаги «Габус-Бутлаш» қўшма корхонасида, 5-бизнес мактабларида ҳам ўтказилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳайъатининг йиғилиши бўлиб ўтди.

• Пойтахтимизда «Динлараро ҳамжиҳатлик — Марказий Осиё мамлакатларида кечаётган демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг муҳим шарти» мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуман Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси ва Тошкент Ислом университети ҳамкорлигида ташкил этилди.

• **Эртага** Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида «Тошкент кузи — 2002» мавзуидаги кўргазма очилади. Унда жаҳонга машҳур «SONY» фирмаси маҳсулотлари кенг намойиш этилади. Мазкур кўргазма Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йилнинг июлида Японияга қилган ташрифи чоғида эришилган келишувларга мувофиқ ўтказилаётир.

• Қизилтепа тумани пахтакорлари йиллик пахта топшириш шартнома режасини бажардилар. Янги ҳосилдан тайёрланган 10 минг тоннага яқин тола Швейцария ва Бельгияга жўнатилди.

• Доимий ишлайдиган «Ўзкўргазмасавдо» республика ярмаркасининг филиали Термизда очилди.

• Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳуқуқий тадқиқотлар марказида ҳуқуқ-интернет маркази иш бошлади. У Ўзбекистон-Очиқ жамият институти Кўмак жамғармаси ёрдамида ташкил этилди.

• Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Энг яхши китобхон оила» танловини эълон қилди. Танлов 2003 йил кириши арафасида якунланади.

• Навоий номидаги адабиёт музейига таниқли ўзбек адиби Асқад Мухторнинг оилавий архивини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

• **Бугун** мамлакатимиз пойтахтида ҳаво ўзгариб турди, ёғингарчилик бўлмади. Шарқдан сониясига 5-10 метр тезликда шамол эсди. Кундузи ҳаво ҳарорати 8-10 даража илиқ бўлди.

### Жаҳонда

• Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан Украина Президенти Леонид Кучманинг Москвада бўлиб ўтган учрашувида иқтисодий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

• **Бугун** халқаро инспекторларнинг биринчи гуруҳи Ироққа етиб келади.

• Чехия Президенти Вацлав Гавел меҳнат таътили давомида Канар оролларида дам олаётган эди. Аммо таътил тугамай унинг Прагага қайтишига тўғри келди. Негаки, бу ерда 21-22 ноябрь кунлари НАТОнинг саммити бўлади. Саммит бошлангунга қадар Америка ҳарбий учувчилари келиб жойлашиши лозим. Буни қонунийлаштириш учун эса Президент имзо чекиши керак.

• Прагада ўтиши мўлжалланаётган НАТО саммитида Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе Грузиянинг НАТОга аъзо бўлиб кириши ҳақида расмий ариза билан мурожаат этмоқчи. «НАТОга аъзо бўлиш узоқ муддатли жараён эканлигини яхши тушунамиз. Бироқ бу йўлдаги биринчи қадамни ташлаш вақти келди», дея хабар беради Грузия Президентининг матбуот котиби.

• Латвия ўзининг миллий байрами — Мустақиллик кунини нишонламоқда.

• Литва сейми делегацияси Россияга расмий ташрифини бошлади.

• **Кеча** Халқаро талабалар куни нишонланди.

• Непалдаги маочилар ҳаракати жангариларидан таркиб топган 3 минг кишилик куролли гуруҳ Карнали вилоятининг пойтахти Жумла шаҳрини штурм билан қўлга олди. Штурм вақтида икки томонлама отишмалар юз берган. Ҳар икки томон ҳам қурбонлар берган дейилмоқда.

• Россия Адлия вазирлигининг хабарига кўра, Россия Федерациясининг озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳбусларнинг сони 905 минг кишига қисқартирилган.

• АҚШнинг йирик сиёсий-иқтисодий маркази Нью-Йоркда икки сайёҳ зудлик билан касалхонага ётқизилди. Уларда вабо белгилари аниқлангач, бу хабар шаҳарда катта ваҳима кўтарилишига сабаб бўлди. Нью-Йорк шаҳар соғлиқни сақлаш қўмитаси бошлиғи Томас Фриденнинг таъкидлашича, ваҳима кўтаришга ҳожат йўқ. Лекин, 15 миллиондан зиёд одам истиқомат қилувчи Нью-Йорк шаҳрида касалликнинг тез тарқалиш хавфи юқори.

• 23-26 октябрь кунлари Москвада кишиларни гаровга олиш билан боғлиқ террор ҳаракатларини режалаштириш ва амалга оширишда иштирок этган жангарилардан яна бири Чеченистонда ўлдирилди. Ўлдирилган одам узоқ муддат давомида Арби ва Мовсар Бараев каби дала қўмондонларининг яширин ишларида йўриқчи бўлган, 2001-2002 йилларда федерал кучларга қарши террор ҳуружларини содир этган.

• Украинанинг «Киев» аэропорти ҳудудига яқин жойда, жамоат транспорти бекатида йўналишдаги таксининг портлаб кетиши оқибатида тўрт нафар йўловчи жароҳат олган.

• Буюк Британияда Лондон метросининг бир қанча бекатларида одамларни газ билан заҳарлашга тайёргарлик кўришда гумон остига олинган уч киши қўлга тушди.

• **Бугун** ярим тунда бокс ишқибозлари ажойиб беллашувнинг шоҳиди бўлдилар. Кўпдан бери орзиқиб кутилаётган украиналик В.Кличко билан АҚШлик жаҳон чемпиони К.Берд ўртасидаги 12 раундлик «жанг»да Владимир Кличко ғалаба қозониб, жаҳон чемпиони унвонига мушарраф бўлди.

ФУТБОЛ

# Чемпионлик муборак, «Пахтакор»!

**ЎТГАН КУНИ ўтказилган мамлакат XI миллий чемпионатининг 28-тур беллашувларида ўз майдонларида «Самарқанд-Динамо» жамоаси футболчилари билан куч синашган пахтакорчиларга чемпионлик муддатидан аввал насиб этди.**

Мавсум бошидан бери чиройли, комбинацияли ва ҳужумкор ўйин намойиш этиб келаётган тошкентлик футболчилар ўз таъқибчиларидан илгарилаб кетишгани ҳаммага маълум эди. Шу боисдан ҳам «Самарқанд-Динамо» жамоаси мағлуб этилса пойтахтнинг бош жамоасига учинчи маротаба чемпионлик насиб этарди. Амалда меҳмонлардан тажрибалироқ, маҳоратлироқ бўлган тошкентликлар яна мухлисларини хушнуд этишди ва самарқандликлар дарвозасини тўрт маротаба ишғол этишди. Ишқибозларга қувонч бахш этган тўпларни дарвозага Гейнрих (2 марта), Гочкулиев (пенальтидан) ва Қосимов йўллашди.

Шаҳримиз шарафини ҳимоя қилаётган яна бир жамоа «Трактор»га ҳам ғалаба сув билан ҳаводек зарур эди. Чемпионат якунланишига икки тур қолганида «трактор»чилар майдонга фақат ғалаба учун тушаётганликларини исботлашмоқда. Ўз майдонларида «Бухоро» жамоаси билан куч синашган Мирзоҳид Ғуломов шогирдлари бу сафар ҳам мухлисларини хушнуд этишиб, учрашувни 3:2 ҳисобида ғалаба билан якунлашди. Дарвозаларга тўпларни Рисқуллаев, Мўминжонов, Юсупов («Трактор»), Файзиев, Зафарқуловлар («Бухоро») киритишди.

Навбатдаги 29 тур учрашувлари 23 ноябрда бўлиб ўтади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# Истиқболингиз ёруғ бўлсин

Юртимизнинг кўпгина гўшаларида кейинги пайтларда жаҳон андозалари даражасида қатор академик лицейлар қурилди. Мана шундай ўқув даргоҳларидан бири Тошкент Давлат юридек институти қошидаги академик лицейдир. Юнусобод тумани 5-мавзесидаги муҳташам бинода жойлашган бу ўқув юрти кўплаб замонавий техника воситалари — 16 та компьютер, 6 та лингафон хонаси, 3 та кадаскоп, 5 та мультимедия, 9 та телевизор, 4 та видеомагнитафон, радиотелемарказ билан жиҳозланган. Таълим рус ва ўзбек тилларида олиб борилади, ҳозирда бу ерда 580 нафар талаба таҳсил олмоқда. Академик лицейда 24 та гуруҳ мавжуд, улар ижтимоий гуманитар, аниқ фанлар, хорижий филология йўналишларида чуқурлаштирилган дастур асосида билим оладилар.

Илм масканимизда, 2 та фан доктори, 27 та фан номзоди, 46 та олий тоифали ўқитувчилар — Ватан тараққиётини, тинчлигини, юрт мустақиллигини ўйлайдиган фидойи ва баркамол авлодни тарбиялашдек шарафли вазифа билан машғулдирлар, — дейди академик лицей директори, юридик фанлар номзоди, доцент Холмурод Назаров.

Шуни айтиш керакки, Холмурод Назаров «Таълимни ислоҳ қилиш» дастури бўйича Америка Қўшма Штатларида, химия-биология ўқитувчиси М. Қаҳҳорова Жанубий Кореяда, «Компьютер ва ҳисоблаш технологияси» фани ўқитувчиси О. Якубова Англияда малака ошириб қайтганлар. «Устоз» жамғармаси йўлланмаси билан З. Маматова, М. Толибовалар жорий йилда Германияда бўлиб қайтдилар. Асосийси, ўқувчилар бу ерда чуқурлаштирилган, соҳалаштирилган, касбга йўналтирилган ҳолда таҳсил олишлари таъминланган, ўқув сўнггида битирувчиларга ижтимоий-гуманитар соҳа бўйича ўрта махсус маълумотли дипломи берилади.

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ўқув юртининг 120 ўринли ошхонаси, 6000 мингдан зиёд китоб фонди мавжуд кутубхонаси бор.

Ҳуқуқ соҳасини мукаммал ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган лицей талабаларига, жонкуяр, изланувчан, талабчан устозларга ҳамиша келажагингиз порлоқ, истиқболингиз бундан-да ёруғ бўлсин, дея ният билдирамиз.

**Гулчехра ДУРДИЕВА**





**СУРАТДА: академик лицей фаолиятидан лавҳалар.**



**Собир Раҳимов туман ҳокимлигида тумандаги барча маҳаллалар оқсоқолларининг Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети профессор-ўқитувчилари билан юзма-юз мулоқоти бўлиб ўтди.**

# Маҳаллаларга чиқишмоқда

Тадбирда ҳуқуқшунослик факультети декани доцент Миршоҳид Мирҳамидов, кафедра мудири профессор Шуҳрат Жалилов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлиси тўққизинчи сессиясидаги Юртбошимиз маърузаларининг мазмун-моҳияти, унда баён этилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишнинг йўллари, ҳуқуқий-демократик давлат қуришда биринчи навбатда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги тўғрисида атрофлича фикр юритишди. Шунингдек Асосий Қонунимизнинг ҳаётимизда тутган ўрни, Конституциямизнинг ўн йиллиги муносабати билан уни тарғиб қилиш юзасидан факультетда амалга оширилаётган ишлар ва мўлжалланган тадбирлар тўғрисида тўхталиб ўтишди. Йиғилганларни қизиқтирган саволларига жавоб қайтаришди.

Мулоқот сўнггида ҳуқуқшунослик факультетининг барча профессор-ўқитувчилари тумандаги маҳаллаларга бириктирилди. Эндиликда улар жойларга чиқиб, Конституциямизнинг мазмун-моҳияти юзасидан учрашувлар, семинарлар ўтказишмоқда. Шунингдек радио ва телевидениеда чиқишлар қилишмоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Донолик беҳаддир — бу йўлдан қанча илгарилаганинг сари у тобора зарурлашиб боради.

● Донолик — тажрибага эгизак.

● Доноликдан уч фазилат келиб чиқади: мақбул қарорга келиш, бехато сўзлаш ва лозим бўлган ишни қилиш.

● Доно одамнинг хислати уч нарсада намоён бўлади: биринчиси бошқаларга берган маслаҳатига ўзи амал қилади, иккинчиси ҳеч қачон ҳақиқатга қарши бормайди, учинчиси ўз атрофидаги одамларнинг нуқсонларига сабр-тоқат билан чидайди.

● Фикр ҳам озиқ. Фикрлаш эса озиқланиш демак.

Ҳикоят. Фалокат босиб эр -хотин уришиб қолишди. Охири бўлмади ажралиб кетишди. Болалар тирик етим бўлиб қолишди. Бир доно бунинг давосини топди. Эрини кўрса ҳам, хотинини кўрса ҳам бирининг номидан иккинчисига салом айтавердида, охирида уларни келиштириб юборди.

● Қаноат қилсанг ҳамма нарсадан озод бўласан. Дунёга мафтун бўлма ва очкўзлик қилмагинки тириклик мавсуми жуда қисқадир.

● Сендан юз ўгирган кишининг суҳбатига интилиш жоннинг қадрини ерга уришдир, суҳбатингни тилаган кишини қайтариш эса олийжанобликка нуқсон етказишдир.

● Искандарга дедилар:

Агар худойи таоло сенга ғалаба беришини хоҳласанг, кечирувчи бўл, чунки у кечиришни яхши кўради.

Ундан сўрадилар:

Сўзга усталик нима?

Айтди: қисқа сўзлаш, аммо маъносини бузмаслик.

Яна деди: аблаҳ кишиларда дўстлик, ёлғончиларда садоқат бўлмайди.

**Байт:**

**Эй биродар, ҳеч қачон ёлғон гапирма,**
**Чунки ёлғончи хор ва қадрсиз бўлар.**
**Ёлғончилик кишини шармисор қилар,**
**Ёлғончилик обрў-эътиборинг кетказар.**

Яна деди: эй фалончи, либосни ўзингга лойиқ кий ёки сўзингга яраша кийим кий.

● Буҳрот Ҳаким деди:

— Агар киши ўзи мукаммал эгалламаган илм ҳақида гапирмаса, одамлар орасида тушунмовчилик ва тортишув юз бермайди, жангу жадал олови сўнади.

Яна деди: кўнглингиз душман деб ҳисоблаган кишидан эҳтиёт бўлинг! Ҳақиқий маърифатга эришган комил одам шундай одамки, ундан нафақат дўстлари осойишта, балки душманлари ҳам тинч ҳаёт кечирадилар.

Яна унинг сўзларидан: дунё йўл бошида ёқиб қўйилган оловга ўхшайди, кимки ундан бир оз олиб, ўз йўлини ёритишга сарф этса фойда олади, кимки кўпроқ олишга интилса, куйиб қолиб ўзига азоб беради.

**Байт:**

**Дунёда умринг бир кунчалик ҳам эмас, шундай экан**
**Ўн йиллик ризқни саклаб нима қиласан?**
**Сенга тегишли ризқ у ердан юборилади.**
**Сен ўша берилган ризқингнигина шу ердан оласан.**

● Инсониятнинг битта кулфати бор, у жаҳолатдир: бу кулфатнинг ягона давоси эса — илм.

● Куч — ақлда. Ақлсиз бош бамисоли шамсиз чироқ.

● Ҳар ким табиий ақл-идрокка эга бўлиб, илму ҳунар ўрганишга интилса у ўз орзусига етади.

Ҳикоят: бир жоҳил кишининг жаҳли бурни устида тураркан, арзимаган нарсадан асабийлашиб, жанжал чиқаравераркан. Бундан безор бўлган уйдагилари бир донодан: «Нима қилсак экан?» деб маслаҳат сўрашибди. Доно қуйидаги мақолни жаҳлдор киши рўпарасига ёзиб қўйишни айтибди.

«Жаҳл келса — ақл кетади».

Қизиққонлик, аччиқланиш, ғазабланиш, шошма-шошарлик, ўйламай қилинган иш кечиримлиликка зарба беради, кишини бебурд қилиб қўяди.

Ривоят қилишларича, қадим замонда бир-бирини ниҳоятда севувчи ошиқ-мошиқлар тақдирнинг тақозоси билан анча йиллар бошқа-бошқа айрилиқда яшашларига тўғри келган экан. Йигит сарбозликка чақирилиб, узоқ ўлкаларда, жангу жадалларда қатнашади. Ана-мана дегунча орадан 17-18 йил ўтади. Ўз юртига қайтган йигит уйига келиб қараса, қўшни хонада мўйлаби сабза урган ёшгина йигитча маст уйқуда ётган эмиш. Бундан қаҳрланган эр: Мен сени бир дақиқа ҳам ёдимдан чиқармай, сенга талпиниб юрсаму сен бевафолик қилсанг» деб қиличини суғуриб йигитни ҳам, нариги уйда ётган рафиқасини ҳам чопиб ташламоқчи бўлади. Шунда эсига устозларининг «Қаҳринг келса қирққача сана», деган ўгити ёдига тушиб санашга тушади.

Овоздан уйғонган аёл қараса эри қилич яланғочлаб, дарғазаб турибди. Шунда хотин ухлаб ётган йигитча ўғли эканлигини айтади. Чунки эри хизматга кетаётганида ўғли туғилмаган эди. Бу қувончдан ўзини бутунлай йўқотиб қўйган эр ўғлини бағрига босади.

Ҳикмат: таажжубки дунёпарастлар бойликни молдан қидирадилар, ваҳоланки у қаноатдадир. Роҳатни эса, кўпдан қидирадилар, аксинча у оздадир.

**Байт:**

**Учқур оту, янги либосда,**
**Ҳеч фазилат эмасдур ниҳон.**
**Дунёпараст хуш либосликнинг,**
**Юрагида ғамидур уммон.**
**Жон роҳатин изласанг агар,**
**Қаноатда бўлгандир пинҳон.**

Бир ҳакимдан сўрадилар: «Дўстларингдан қай бири барчадан сенга ёқди ва биродарлик даражасига етди. Қайси бирига муҳаббатинг кучлироқдир?»

Ҳаким: «Айб қилсам яширадиган ва узр сўрасам кечирадигани менга ёқиб тушди», деб жавоб берди.

● Инсон жасадидаги ақл дарахтга ўхшайди. Дарахт тоза ва ҳосилли бўлса ундан самара умид қилиш мумкин. Унга пажмурдалик ва хазон етса, ўтин қилиб ёқишдан бошқа нарсага арзимайди.

**Байт:**

**Ростлигу дўстликни кутса бўлади,**
**Оқил кишилардан, фарзоналардан.**
**Аҳмоқлик бўлади яхшилик кутмоқ,**
**Ақли йўқ, баднамо, девоналардан.**



# Яна тоғора можароси

Тунов куни йўловчи транспортида бораётиб олдинги ўриндиқда ўтирган икки аёлнинг суҳбати қулоғимга чалиниб қолди.

— Йўл бўлсин, Ҳожархон!

— Бозорга.

— Рўзғор ташвишими?

— Йўқ, кенжа қизимнинг биринчи ҳайити яқинлашяпти. Тоғора ташвиши, ўргилай.

—Ҳали эрта-ку.

— Қўлимизда борида олдинроқ ҳаракат қилмасак етказолмай қоламиз шекилли-да.

— Нимасини айтасиз. Шунақа ортиқча удумларимиз қолмади-қолмади-да. Нечта тоғора қилмоқчисиз?

— Билмасам, ҳозир нечтадан қилишяпти ўзи?

— Ҳамма ҳар хил. Биров 50-60 та, ҳатто баъзилар ким ўзарлик қилиб юзтага етказишяпти.

Ўрта ёшли аёлларнинг бу гапи мени ўйлантириб қўйди. Чиндан ҳам қанча-қанча оилалар шу муборак ой — Рамазон кунларини ҳам тоғора ташвишида беҳаловат ўтказаётган экан, деган савол узоқ вақт хаёлимни тарк этмади. Шу баҳона балки кимларгадир ибрат бўлар деган мақсадда тоғора можароси билан боғлиқ кўрган-кечирган ва эшитганларим — баъзи лавҳаларни қоғозга туширишга ҳаракат қилдим.

...Эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Чиқиб очсам йўлакда дўстим Бегали турибди. Қучоқлашиб кўришдик. Ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг меҳмонни ичкарига таклиф қилдим.

— Нечук шамол учирди? — сўрайман.

— Ҳа, энди сени бир кўрай дедим-да.

— Жуда яхши қилибсан. Ҳозир меҳнат таътилидаман. Устига устак рўзачилик. Бир ўзим уйда зерикиб ўтирган эдим. Келганинг яхши бўлди, гурунглашиб ўтирамиз.

— Бунга ҳам вақт топилиб қолар. Ҳозир бироз шошиб турибман. Бир илтимос билан келувдим олдинга.

— Шунақами, хизмат?

— Биласан, яқинда қиз узатдим. Топган-тутганим тўйига кетди. Энди қутулдим десам, йўқ яна бошқа ғалва чиқиб қолди.

— Нима экан?

— Хотин: «Ҳайит келяпти, ҳаракатингизни қилинг, қизимизга, куёвга ҳеч бўлмаса бир сидрадан бош-оёқ сарпо, қайнота- қайнонасига яна бир нималар қилиш керак», дейди.

— Ахир куни кеча тўйда ҳаммасига қилдингку сарпо-суруқни.

— Униси бошқа, буниси бошқа эмиш. Кошки кийим-кечак билан қутулсак. Бу ёқда тоғора жанжалини айтмайсанми? Аёлим ҳалитдан унча тоғора қиламан, бунча тоғора қиламан, деб турибди.

— Хотинингга телевизорда берилган «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси» сериалини эслатмадингми?

— Эслатдим. «У кино, ҳаётда бунақаси бўлмайди. Тағин ҳам унда тоғорани камайтириб кўрсатишибди. Аслида ҳозир 50-60 талаб тоғора қилишяпти», деб мени лол қиляпти. Шунга бироз сармоядан қийналиб турибман. Ўйлай-ўйлай сенинг ҳузурингга бош эгиб келдим.

Сўраганнинг бир юзи, йўқ деганнинг икки юзи қора. Ҳозир дўстимга хотинининг бекор айтибди қабилида ақл ўргатсам дили вайрон бўлиши турган гап. У минг андиша билан яқин тортиб менинг олдимга келибдими, демак, қай даражада бўлсада ҳожатини чиқаришим керак. Шундай хаёллар билан у айтганча бўлмасада ҳар қалай ярим-ёрти пулни олиб чиқиб қўлига тутқаздим. Ётиғи билан кўрпага қараб оёқ узатишни тушунтирдим. Бегали сўзларимни худди гуноҳкордек бошини эгиб тинглади. Хайрлашиб бир алпозда хомуш тортиб чиқиб кетди. Шу топда у фақат ўзинигина эмас, ҳатто мени ҳам оғир хаёллар гирдобига ташлаб кетди.

Билмадим, қачон қутуламиз бунақа ортиқча даҳмаза, расм-русумлардан? Қачонгача бошимизга ўзимиз бўлмағур ташвишларни орттириб юрамиз. Тоғора муаммоси қачондан пайдо бўлди? Бу «ноёб кашфиётнинг» ижодкори қайси барака топкур «истеъдод соҳиби»? Ахир бундай русум азалда бизда йўқ эдику.

Ўтган ҳайит куни аёлим кўчадан гап топиб келди.

— Вой отаси, кўрмабсиз, оламга келмабсиз. Ҳакимахонларнинг қудаси ҳайит қилиб 80 та тоғора жўнатибди. Уларда бедана кабобдан тортиб, қази-қарталаргача бор-а. Сарпо-суруқларни айтмайсизми, бир олам. Куёв-келинга уч-тўрт сидрадан бош-оёқ кийим. Келинга тилла занжир. Куёвга тилла соат «сипочкаси» билан. Ҳакимахоннинг ўзига, эрига, ота-онасига қимматбаҳо кийим-кечаклар. Ҳатто кеча туғилган бешикдаги набирасини ҳам унутишмабди-я.

— Бўлди қўй. Бўлмағур гаплар билан бошимни қотирма.

— Тўхтанг, бердисини айтгунча оғзимга урманг-да ахир. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Шу десангиз келиннинг отаси кеча келиб чет эл машинасини куёвига совға қилиб кетибди. Қуда қилсанг шунақа орзули жойдан қилсангда.

Энсам қотиб индамадим.

Орадан бир ой ўтдими, ўтмадими, маҳаллада шов-шув гап бўлиб қолди. «Ҳой, эшитдингизми, Ҳакимахоннинг келини қайнонаси билан чиқишолмай уйига кетиб қолганмиш». Чаласини аёлимдан эшитдим.

— Вой отаси, келин бўлмай ҳар бало бўлсин. Қайнонасининг кўзига тик қараб айтаётган гапларига илон пўст ташлайди. Ёш нарса уялмай-нетмай қандай тили борар-кин, шундай гапларни айтишга. Устига устак ота-онаси келиб юмматалади Ҳакимахон бечорани.

— Ўғли индамай қўл қовуштириб тураверибдими?

— Бола бечора нима десин. Ахир қайнотаси тагига машина олиб бериб тилини мойлаб қўйган-да.

Ўшанда «миннатли ошни ичгандан ичмаган яхши», деган гап бежиз айтилмаганига яна бир марта ишонч ҳосил қилганман.

Ҳа, шундай тоифа кишилар ҳам бор орамизда. Улар ошириб, тошириб қилишади-да, кейин умр бўйи миннат қилиб юришади. Оилада бирон ножўя гап ўтса югуриб келиб бетгачопарлик қилишади. Сен кимсану мен кимман, деб гердайишади. Шундайлар ҳам борки узатилган қизларининг оилада тили узун бўлиши учун атайлаб дабдабали сарпо-суруқлар, ҳайитларда қўша-қўша тоғоралар жўнатишади. Еган оғиз уялади-да, ахир.

Ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа. Қариндошимиз Мусатой ака қуданг борми деса бордек десин деб ўғли севган қизни қақшатиб бой-бадавлат жойдан келин қилди. Ҳайит арафада келин томондан беармон келди тоғоралар. Улардаги таомлардан биров татиб кўрди, биров қўл урмади. Уч кун ҳайит дастурхонга кўз-кўз қилиш учун териб қўйилган ноз-неъматлар, таомлар уриниб қолди. Истеъмолга ярамаган ош-овқатларнинг ҳузурини ариқ кўрди. Энди айтинг, исроф қилинган бу неъматларнинг уволи кимни тутади? Келин томонними, куёв томонними? Назаримда ҳар иккаласини.

Туман судида ишловчи Ҳасанбой деган танишим бир кун тоғора можароси билан боғлиқ қизиқ воқеани айтиб берди.

Ёш эр-хотин ажралиш ҳақида судга ариза беришди. Судья ариза билан танишиб чиққач унда ёш оиланинг ажралишига сабаб бўладиган асосни тополмай боши қотди. Ниҳоят можаронинг тагига етиш учун гувоҳлар ва ҳар икки оила аъзоларини судга таклиф этди.

—Аризаларингизни кўриб чиқдим. Унда ажралишга сабаб бўладиган ҳеч қандай нарса йўқ. Нима учун бундай қарорга келганларингизни тушунтириб айтингларчи?

Судья бирма-бир куёв-келинни сўроққа тутди. Уларнинг иккалови турли важ-карсонларни кўрсатишарди-ю, лекин ажралишга омил бўлган сабабни келтириша олмасди.

Тутуруқсиз гаплардан боши қотган судья эр-хотинга қайта ўйлаб аниқ бир қарорга келиш учун уч ойлик муҳлат бера туриб, деди:

— Ўшанда ҳам етарли асос бўлиши керак. Бу аҳволда ажрим чиқаришга ҳаққим йўқ.

— Асос бор, — дея ўрнидан турди куёв томондан келган гувоҳлардан бири.

— Кечирасиз, аввал ўзингизни таништиринг, — унга юзланди судья.

— Куёвнинг опаси бўламан. Отим Лобар. Онагинам ўлганда укажоним ўн ёшда эди. Унга ўзим оналик қилдим. Оқ ювиб, оқ тарадим. Етимлигини билдирмай тарбиялаб вояга етказдим. Яхши ниятлар билан ўзим бош бўлиб уйлантирдим. Келинга қўша-қўша сарпо-суруқлар қилдик. Лекин улар томонидан шунга арзигулик нарсалар келмади. Ана ўшандаёқ қудаларимизнинг хасислигини билиб ичимдан зил кетганман. Устига устак келиннинг сеплари ҳам ночор аҳволда эди. Қўшнилар, қариндош-уруғлар олдида уятдан бўларим бўлди. Ҳар қалай бу сафар ҳам тилимни тишладим. Уч кунликда одамларникига қўша-қўша тоғоралар келади. Бизникига мўъжазгина, қушдек енгил иккита тоғора жўнатишди. Чақириқда бировлар куёвига машина миндириб юборади. Менинг укагинам эса елкасида оҳори тўкилган тўн билан уйга кириб келди. Ҳаммасига чидаб юрдим. Лекин ҳайитда юборган тоғораларини кўриб ўзимизни ўта камситилгандек ҳис этдим. Қўшнимиз Раҳбар отин ҳайит арафасида турмушга узатган қизиникига тоғора юбориш тадоригини ўн кун олдин бошлади. Ҳаммамиз чиқиб қарашдик. Чин арафа куни куёвникига юборган тоғораларни кўрсангиз, учта «Дамас»га зўрға жойланди-я. Тоғоранинг ўзидан 70 та, сарпо-суруқларни айтинг. Ҳаммаси тоза матодан. Шунча нарса юборяптику, яна отинойи тушмагур «кўнглим тўлмади» деб турибди. Ён қўшнинг шунақа қилиб турганда сеникига ҳаммаси бўлиб битта миттигина машинада ўнта тоғора келса чидаб бўладими?

— Тоғора билан топилган обрўнинг падарига лаънат, — дейди келин томондан келганлардан бири. —Ахир қачон қутуламиз бу сарқитлардан. Исрофгарчиликнинг кимга кераги бор?

— Ана эшитдингизми, буларнинг гапини. Ҳамиша шунақа қилишади. Ҳаммага урф бўлган одат, буларга сарқит, исрофгарчилик. Гап шу, укам ажралишади.

Хонада ғала-ғовур бошланди. Судья йиғилганларни тартибга чақирди. Кейин у Лобархонга мурожаат қилди.

—Гапни чўзмай муддаога ўтинг опа.

— Вой тавба, мен сизни тушунадиган одам десам... Ахир бу қанақаси? Наҳотки шунча гап-сўздан кейин ҳам гап тагидаги ним косани ҳис этмадингиз ука. Муддаони айтиб бўлдимку, яна нима дейман.

— Бор гап шу, — дейди Ҳасанбой ҳикоясини тугатиб. — Билсам эр-хотин ва оила ўртасида пайдо бўлган келишмовчиликнинг асосий сабаби тоғора можаросига бориб тақалар экан.

— Наҳотки шу сабаб билан эр-хотин ажралишиб кетган бўлса, — сўрайман ундан.

— Йўқ, ажралишмади. Орадан бир оз муддат ўтиб ҳар икки томон қилмишларини тушуниб етишди шекилли, куёв билан келиннинг ўзи келиб аризаларини қайтариб олиб кетишди. Кейин билсам маҳалла фаолларининг аралашувидан сўнг оила шундай қарорга келган экан.

Хайриятки, яхшилар кўмаги билан бу можаро ижобий якун топибди. Борди-ю акси бўлгандачи? Кишини ўйлантирадиган савол.

Истиқлол бизга эркинлик берди. Қадриятларимиз тикланди. Боримизни кўз-кўз қиладиган замон келди. Лекин бу йиллаб пешона тери эвазига йиғиб-терганингни ортиқча удумларни деб бўлар-бўлмасга кўкка совур дегани эмас. Бу йўлда етти ўлчаб бир кесмоқ керак. Оила ва унинг келажагини ўйлаб иш тутган маъқул. Агар ошиб-тошиб кетган бўлсанг етим-есирларнинг бошини сила. Ночор оилаларга, муҳтожларга ёрдам бер. Савобни унутма. Ахир ён қўшнинг ночорликда кун кечираётган бўлса-ю, сен унга ёрдам бериш ўрнига ҳамёнингдаги пулларни беҳуда нарсалар учун сочиб турсанг инсофданми? Энди бунисини ҳеч ким кечирмайди.

Яқинда қизини турмушга берган жияним билан учрашиб қолдик. Ундан кўнгил сўраган бўлдим. Тоғора ҳақида сўз очсам у кулиб:

— Биз бунақа ташвишдан холимиз тоға. Қудам билан келишиб ҳайит расм-русумларини баҳоли қудрат ўтказадиган бўлдик. «Ортиқча даҳмазанинг кимга кераги бор. Уч кунлик ҳайит ўтади, кетади. Тоғора-поғоралarga сарф бўладиган маблағни оиламизнинг корҳолига яратсак биров биздан хафа бўладими», — деди қудам.

Хайрият, тушунадиган одамлар ҳам бор экан.

Биз юқорида тоғора можароси билан боғлиқ баъзи ҳаётий мисолларни келтирдик. Улардан қандай хулоса чиқариш ҳар кимнинг виждонига ҳавола. Зеро, ҳамма нарсада меъёр бўлгани яхшида.Бунга сиз нима дейсиз?

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

ФУТБОЛ



# СУРАТЛАРГА МУҲРЛАНГАН ЛАҲЗАЛАР

**Футбол тарихига назар ташлар эканмиз, «спорт шоҳи»нинг энг қадимги спорт турларидан бири эканлигига гувоҳ бўламиз. Унинг қайси ҳудудда пайдо бўлганлиги ҳақида ҳамон баҳслар юритилса-да 1863 йилда Англияда замонавий футболнинг дастлабки қоидалари ишлаб чиқилганлиги ва илк жамоалар тузилганлиги сабабли туманли Альбион футбол ватани ҳисобланади. Бироқ, XX асрда ҳам, ҳозирги кунда ҳам футболнинг энг оммабоп ва севимли спорт тури эканлигига шак-шубҳа йўқ.**



Юртимизда 1912 йили дастлабки футбол жамоаси Қўқон шаҳрида тузилганлигига қарамасдан, кейинчалик чарм тўп «пойтахти» Тошкентга кўчди. Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидан эътиборан Тошкентда футбол ҳаёти қайнай бошлади, кўплаб кучли жамоалар тузилиб фаолият кўрсатди. Чунончи, 1937 йилдан бошлаб Ўзбекистон Кубоги ва чемпионати баҳслари ўтказила бошланган бўлса, ушбу мусобақаларда Тошкентнинг «Спартак», «Динамо», ОДО, «Сокол» жамоалари катта ютуқларга эришди. Ушбу жамоаларда кўплаб иқтидорли футболчилар етишиб чиқди.

1956 йилда «Пахтакор» (Тошкент) жамоаси тузилганидан сўнг ўзининг умидбахш ва ҳужумкор ўйини билан ушбу команда тез орада мухлислар қалбини забт этди. Кўплаб бошқа республикалар ва ҳатто хориж мамлакатларида ҳам «Пахтакор» ишқибозлари пайдо бўлди.

«Пахтакор» тузилган илк пайтдан бошлаб унинг муваффақиятларини Г.Красницкий, И.Тазетдинов,. О.Моторин, Ю.Беляков, С.Стадник, Ҳ.Раҳматуллаев, А.Азизхўжаев, А.Иноятов, Т.Исоқов, М.Ан, О.Аширов, В.Фёдоров каби етакчи ўйинчилар таъминлаб келишган. Энг муҳими, юртимизнинг саҳий замини иқтидорларга бой бўлганлиги сабабли «Пахтакор» таркиби доимо маҳаллий ёш ўйинчилар ҳисобидан шакллантириб борилган. Жамоа ўзининг кўп йиллик фаолияти давомида муваффақиятлар билан бирга мағлубиятлар аламини ҳам тотган бўлса-да, бироқ ўз чиройли ўйин услубларига эга эканлиги, етакчи чарм тўп усталарининг бетакрор маҳоратию, майдонда ҳар қандай кучли рақиб билан ҳам имкони борича тенгма-тенг ўйнашга ҳаракат қилиши унинг мухлислари сафини ошириб борди. Севимли жамоамиз асосий эътиборни ҳимояга таянган ҳолда очко жамғаришга эмас, балки чиройли ўйин кўрсатиб мухлислари кўнглини шод этишга қаратди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ҳам «Пахтакор» юртимизнинг энг кучли ва севимли жамоаларидан бири сифатида мамлакат чемпионати, халқаро кубокларда салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда. Куни кеча «Пахтакор» муддатидан олдин мамлакатимиз чемпионатида яна бир бор ғолиблик нашидасини сурди. Жамоанинг уч ўйинчиси — Геннадий Красницкий, Биродар Абдураимов ва Миржалол Қосимов эса ўтган асрда Ўзбекистоннинг энг кучли ўйинчилари дея эътироф этилди. 1994 йили Осиё ўйинларининг ғолиби бўлган терма жамоамиз таркибининг ўзагини ҳам «Пахтакор»нинг ўйинчилари ташкил этганди.

«Тарихсиз келажак йўқ, мозийга қараб иш кўриш хайрлидир» дейишади. Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий давлат архивида «Пахтакор»командасининг 50-йиллардан бошлаб ўйинлари муҳрланган ноёб тарихий суратлар сақланади. Бу лавҳалар ўзбек мухлисларига энг севимли командасининг дастлабки қадамлари ҳақида ҳикоя қилиши билан ҳам қимматлидир. Ўзбек футболининг 90 йиллиги нишонланган қутлуғ кунларда биз Марказий давлат архиви жамғармасида сақланаётган «Пахтакор» тарихидан ҳикоя қилувчи айрим ноёб фотоҳужжатларни эълон қилмоқдамиз.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**



**СУРАТЛАРДА: 1965 йили Москванинг «Торпедо» жамоаси билан ўтказилган ўйинда жамоа сардори Геннадий Красницкий (ўнгда) рақиб дарвозаси томон интилмоқда; 1963 йили Япония жамоаси билан ўтказилган учрашувдан лавҳа; 1957 йили «Пахтакор» стадионида «Қайрат» ва «Пахтакор» жамоалари беллашмоқда; 1961 йилда «Беларусь» (Минск) билан ўтказилган учрашувда ишқибозларнинг кўплигидан стадионга танга ташласангиз ерга тушмайди.**





АКС САДО

## Либосингиз ярашиб турсин

**Газетанинг шу йил 14 октябрь сонида берилган «Биз ҳам тўйга борамиз ёки аёллар ва қизларнинг кийиниш маданияти» давра суҳбатини ўқиган кўплаб онахон ва опахонларимиз ўз фикр-мулоҳазалари битилган мактубларни таҳририятимизга йўллашмоқда. Ушбу долзарб мавзуда таҳририятимизда фаол аёллар ва қизлар иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати кўпчиликни бефарқ қолдирмаганлигини оқшомхонларнинг бизга йўллаётган мактубларидан ҳам билиш мумкин. Қуйида ана шу мақола юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.**

**• Марҳамат АЛИМОВА, Юнусобод туманидаги «Наврўз» маҳалла хотин-қизлар комиссиясининг раиси, тарих фанлари номзоди:**

— Кийиниш маданиятини — маънавият кўзгуси деб бежиз айтишмайди. Газетада чоп этилган «Биз ҳам тўйга борамиз ёки аёллар ва қизларнинг кийиниш маданияти» мақоласи ўзини, ўзлигини англаган ҳар бир ўзбек аёлини кўпдан қийнаб келаётган муаммоларнинг ечимини топишга, муносабат билдиришга ундади. Кийиниш маданияти, келинларимизнинг тўй либослари, миллий либосларимиз хусусида баҳс юритарканмиз «Ақлинг борида этагингни ёп» деган ота-боболаримизнинг панд-насиҳатлари, ўгитлари ёдимизга тушади. Негаки, кейинги пайтларда битирув кечалари, тўй-тантаналарда айрим қизларимизнинг охирги урфдаги ниҳоятда калта, тор, орқаси очиқ либослар кийиб ўз таналари, ҳусну жамолларига сунъий оройиш берган ҳолда ўта бачкана кийинишлари ҳар қандай кишининг ғашини келтиради, ўйлашга, мушоҳада қилишга ундайди. Кейинги вақтларда у ёки бу тантаналар учун албатта янги кийим кийиш, мода кетидан қувиш пойгага айланиб кетганга ўхшайди. Нафақат қизларимиз, балки баъзи ёши бир жойга борган аёллар ҳам меҳмондорчиликка ўта бачкана пардоз-андоз қилиб, бор тақинчоқларини тақиб ҳаммага ўзини кўрсатиб келиши маънавий қашшоқликларини намоён этмоқда.

Турли тақинчоқлар тақиб, товусдек товланиб, ўзгалар диққатини тортишни мен одобсизлик, деб биламан. Сир эмас, кийим-кечак, зебизийнатлар қулига айланган аёллар ва қизлар пул топишнинг турли «қинғир» кўчаларига кириши, натижада оилавий низоларнинг келиб чиқиши оилаларнинг пароканда бўлишига олиб келади. Назаримда ҳар бир ўзлигини таниган аёл ва қиз ёшига муносиб сипо, ўзига ярашган миллийлиғимизни унутмаган ҳолда тоза ва ораста кийиниши унинг маънавий қиёфасини кўрсатади. Бугунги ёшларга, қизларимизга ҳақиқатан ўзимиз ўрнак бўлишимиз, уларга миллий кийиниш санъатини гўдаклигидан онгига сингдиришимиз лозим. Негаки ҳаё, ибоси бўлган ҳар қандай аёл ёки қиз ўзини юз кўйга солмайди, кийим бандасига айланиб қолишдан ор қилади. Давра суҳбатида ўртага ташланган фикрларга тўла қўшиламан. Мана шу мавзудаги суҳбатлар тез-тез ўтказиб турилса мақсадга мувофиқ бўларди.

**• Кундуз ЙЎЛДОШЕВА, Сергели туманидаги «Қўшкўрғон» маҳалласи фуқароси, «Энг ибратли қайнона» кўрик-танлови ғолиби:**

— Ўзбек аёли миллатимиз ғурури ва фахридир. Ҳусндa тенги йўқ аёлларимиз, қизларимизга фақат ҳаё, ибо ярашади. Уларнинг латофати, малоҳати ана шу ҳаёсию иффатида, одобу ахлоқида кўзга ташланади. Ҳозирги кунда аёлларимиз, қизларимизнинг кийиниш маданияти ҳақидаги мақолани ўқиб жуда таъсирландим ва қалбимда йиғилиб ётган мулоҳазаларимни билдириш истаги туғилди. Аввало ёши улғайиб қолган, қизлари вояга етган оналарга айтмоқчиманки, умр инсонга ўз таъсирини албатта ўтказади, калта, ярим очиқ кийимлар аёлларни ҳеч қачон ёшартирмайди. Мен кўп йиллардан буён ўқувчиларга одобномадан дарс бераман. Агар қизларимизга ёшликдан кийиниш одоби ҳақида тушунтириб борилса, албатта шунга ўрганишади. Кийиниш маданиятини аввало оилада, боғча ва мактаблардан бошлаш керак. Кекса педагог, ибратли қайнона сифатида оналар ва қизларга дил сўзларимни айтмоқчиман.

— Ҳурматли она, қизингизга албатта оддий оқ кўйлакни тўйда кийиши учун тақдим этинг, токи қизингиз ой бахтли, олтин тахтли бўлсин.

— Севимли қизларим, ўз миллатингиз, миллий кийимларингиз билан ғурурланинг, уларни оёқ ости қилиб, миллатимиз қадрини ерга урманг. Албатта миллатимиз кўрки атласдан кўйлак кийинг. Зеро бунинг рамзий маъноси бор. Келин бўлиб тушган хонадонингизда миллий атлас кийимда товусдек товланиб, бир чиройингизга ўн чирой қўшилиб, ял-ял ёниб одоб билан ширин муомалада бўлсангиз, албатта сизга бахт кулиб боқади, нафақат ота-она, балки аждодларимиз руҳи ҳам шод бўлади, бахту иқбол ёр бўлади.

**• Муножот БАКИРОВА, Бектемир туманидаги 289-мактаб ўқитувчиси, «Шуҳрат» медали соҳиби:**

— Замонамиз шиддат билан ҳамма соҳада илгарилаб бормоқда. Одамлар онги ўсиб, замонавийлашмоқда. Замонавийликни ҳамма ҳар хил тушунади. Баъзи қизларимиз замонавийликни ҳаддан ташқари меъёридан ошириб юбормоқдалар. Тўғри, замонавий кийиниш керак, албатта. Лекин ўзлигини англаган ҳолда, миллатини, миллийлигини унутмаган ҳолда ўзига ярашиқли либослар кийиш зарур деб ўйлайман. Ахир ўзингиз бир ўйланг, туркман, ҳинд, корейс, япон қизларига, аёлларига бир эътибор беринг. Ахир замонанинг шиддати уларнинг қиёфасига соя сололмаган. Улар ўз миллий кийимларини қадрлаб, муқаддас билиб кийишади. Уларга ҳавас қилса арзийди. Тўй маросимидаги келинлар либоси ҳам миллатимизга хос эмас. Тўғри, никоҳ кўйлаги оқ бўлиши керак. Лекин ҳаммаёғи очиқ, шармсиз бўлиши ҳамманинг ғашига тегмоқда. Нима учун келинларимиз оқ матолардан чиройли, ўзбекона, янгича фасондаги либослар кийишни ўйлашмайди. Менимча ҳозирги кунда тажрибали тикувчиларимиз, дизайн-рассомларимиз кўп. Улар ана шундай миллатимизга хос шарқона, замонавий тўй либосларини тикиб, реклама қилишса, аста-секин қизларимиз ҳам шундай либосларга ўрганишармиди. Истардикки, қизларимиз андишани, ҳаёибони ўзида мужассам қилган ҳолда кийинишса, ота-оналар ёшлигидан қизларига эътибор беришса айни муддао бўларди. «Қуш уясида кўрганини қилади», деб бекорга айтилмаган. Бунинг учун оилада фарзандларига, аввало қизларга оналар ўрнак бўлишлари керак. Халқимизда яна шундай донишмандларнинг гапи бор. «Онасини кўриб қизини ол» деган. Бу ҳикматда ҳам бир олам маъно бор. Буни ҳаётий тажрибамда кўп бор кузатганман. Айтмоқчиманки, қизларимиз миллий тимсолимиз, фахримиз бўлган Кумушбиби, Барчиной, Тўмарису Нодирабегим сингари ҳар жиҳатдан гўзал, оқилаю доно, шарм-ҳаёли, жасур ва довюрак бўлсалар, миллатимиз янада равнақ топиб, келажак авлодларимиз ҳам етук ва комил инсонлар бўлиб етишадилар.

**• Нафиса ҚОДИРОВА, Яккасарой туманида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси:**

— Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз қайта тикланиб эъзозланди.

Жамиятимиз тараққиёти йўлида аёлларимиз ҳам турли соҳаларда меҳнат қилиб, ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бироқ, аёллар томонидан қилинаётган ибратли ишлар билан бир қаторда, уларда миллий урф-одатларимизга хос бўлмаган иллатлар ҳам учраб келмоқда. Бизнинг Шарқ аёллари қадимдан ўз одоби, иффати, муомала маданияти, саранжом-саришталиги, ибоҳаёси, айниқса кийиниш маданияти билан алоҳида мавқега эга бўлиб келганлар. Кейинги йилларда аёлларимиз орасида миллатимизга хос бўлмаган кийинишларга интилишлар ортиб бормоқда.

Дунёдаги энг улуғ зот бу инсон, инсон ўз одоби, ақлидроки билан кўп ишларда бошқарувчидир. Инсонда ички ва ташқи гўзаллик бир хил бўлиши керак. Ички гўзаллик унинг саломатлиги, пок виждони бўлса, ташқи гўзаллик ўзини жамиятда тута билиши ва кийиниш маданиятидир. Бу масалада ҳам бизнинг оналаримиз, опаларимиз ёшларга ибрат бўлишлари керак.

Биз болажон халқмиз. Фарзандини ўстириб уни келинлик ва куёвлик либосида кўриш ҳар бир ота-онанинг эзгу ниятидир. Шунинг учун қизларимизга ўзимизнинг шарқона кийиниш маданияти, катталар олдида тор, калта кийимда юриш ҳурматсизлик белгиси эканлигини тушунтириб боришимиз керак. Илгари қайнона-қайнотанинг олдида келинлар, хоҳ янги тушган, хоҳ тажрибали, бўлсин келинларга хос либослар кийишган. Бу ҳам уларга бўлган ҳурматнинг белгиси бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, чуқур ҳаёт тажрибасига эга онахонлар, опалар маҳаллаларда, боғча-мактабларда, олий ўқув юртларида, корхоналарда қизларимизнинг, келинларимизнинг, умуман аёлларимизнинг кийиниш маданиятлари борасида тушунтириш ишларини олиб борсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Аёлларимиз ўз миллий либосларида ибо-ҳаёли, гўзал, маънавий етук, меҳрибон она, садоқатли рафиқа, билимдон уй бекаси тимсолида гавдаланадилар.

## НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

**18 НОЯБРДАН 24 НОЯБРГАЧА:**

**18 ноябрда:**

□ Алишер Навоий номидаги Санъат саройида муаллиф ва режиссёр З.Мусоқовнинг «Осмондаги болалар» бадиий фильми намойиши давом этмоқда. Томоша соат 11.00, 13,00, 15.00, 17.00, 19.00да бошланади. Кичик залда эса Валижон Шамсиевнинг «Қайтмас»бадиий фильми намойиш этилади. Томоша соат 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 да бошланади.

□ Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида Т.Минуллин асари «Дилафрўзга тўрт ошиқ» спектакли соат 15.00 да бошланади.

**19 ноябрда:**

□ Ўзбек Миллий академик драма театрида «Алдагани хотин яхши» комедия спектакли намойиш этилади. Томоша соат 18.00 да бошланади.

□ Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрида Р.Бобожон асари «Тоға ва жиянлар» спектакли соат 17.00 да бошланади.

**20 ноябрда:**

□ Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида «Турна патлари» спектакли соат 11.00 да бошланади.

□ Ўзбек Давлат цирки республика бирлашмасида «Туялардаги акробатлар», халқ артисти Х.Зарипов бошчилигидаги «Ўзбекистон йигитлари», шунингдек ўргатилган кучуклар, гимнастлар, масхарабозлар иштирокида ранг-баранг дастур. Томошалар соат 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.

**21 ноябрда:**

□ Республика қўғирчоқ театрида «Олтин калитча» спектакли соат 12.00 да намойиш қилинади.

□ Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида таниқли рассомлар, Алишер Мирзо, Баходир Жалол, Акмал Нур ижодлари кўргазмаси намойиш этилмоқда.

**22 ноябрда:**

□ Алишер Навоий номидаги Давлат Академик катта театрида Чайковскийнинг «Оққуш кўли» балети соат 18.00 да бошланади.

□ Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида Л.Саъдуллаев саҳналаштирган «Тиниб-тинчимас бувижон» спектакли соат 11.00 да бошланади.

**23 ноябрда:**

□ Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида Ҳайдар Муҳаммад асари «Куёвлар конкурси» комедия спектакли соат 17.00 да бошланади.

□ Ўзбек Миллий академик драма театрида Усмон Азим асари «Бир қадам йўл» спектакль премьераси соат 18.00 да намойиш қилинади.

**24 ноябрда:**

□ Шаҳримиздаги «Қозоғистон » номли кинотеатрда Америка бадиий фильмлари намойиш этилади.

□ Республика қўғирчоқ театрида «Золушка» спектакли соат 11.00 ва 13.00 да бошланади.

□ Темурийлар тарихи Давлат музейида Республика «Маҳалла» ҳамда «Ўзбекмузей» жамғармалари ташаббуси билан ёш ҳунармандлар, ижодкор усталарнинг «Қўли гул халқим» деб номланган ижодий кўргазмалари намойиш қилинмоқда.

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

## Эҳтиёт бўлайлик!

**Ёнғин — кишилар ҳаёти ва мол-мулки хавфсизлигига таҳдид солувчи офатлардан. Аҳоли яшаш жойлари ва давлат муассасаларида газ, электр энергияси кабилардан фойдаланишда хавфсизлик чораларига етарлича эътибор берилмаса, хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди.**

Вазирлар Маҳкамаси Фармойишига мувофиқ жорий йилнинг 15 ноябридан 15 декабригача ҳам шундай ойлик ўтказилади. Мазкур тадбир мобайнида мамлакатимиз бўйича барча шаҳар, туман, аҳоли яшаш жойлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида ёнғин хавфсизлиги чораларини кучайтириш, аҳоли, ишчи-хизматчилар ва мактаб ҳамда олий ўқув юртлари ўқувчилари орасида тушунтириш ишларини кенг кўламда олиб бориш, масканларни бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминлаш, ёнғинларда одамларнинг қурбон бўлишига йўл қўймаслик асосий вазифа саналади.

Пойтахтимизнинг Ҳамза тумани ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари ҳам мазкур тадбирни юқори даражада ўтказишга жиддий ҳозирлик кўрди. Туманда ёнғинлар эҳтимолини кескин камайтириш мақсадида туман газ назорати инспекцияси, энергия таъминоти ва бошқа тегишли соҳа хизматлари ходимлари билан биргаликда аҳоли яшаш жойлари ва халқ хўжалиги масканларида, ўқув муассасаларида ёнғиннинг олдини олишга оид текширишлар, учрашув ва суҳбатлар ўтказиш режалаштирилди.

Агар туманда бу борадаги аҳвол таҳлил қилинадиган бўлса, шу йилнинг ўн ойи давомида 167 ёнғин юз берган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кам бўлса-да, вазият ҳамон жиддийлигидан далолатдир.

Юздан ортиқ ҳолатда ўтоловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида ёнғин келиб чиққан. Масалан, 21 май куни туманда истиқомат қилувчи А.Бабиков газ анжомларидан нотўғри фойдаланиши оқибатида ёнғин келиб чиққан ва олов ён қўшниларнинг ҳам мол-мулкига жиддий зарар етказган.

28 сентябрь куни М.Ҳасанова кўчасида жойлашган Меҳнат биржаси биносида юз берган шундай офатнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланганда, ёнғин бино томида газ пайвандлаш ишлари олиб борилаётган вақтда хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаганни оқибатида рўй берганлиги маълум бўлди.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, ёнғин хавфсизлиги ойлиги доирасида амалга ошириладиган барча саъй-ҳаракатларимиз ҳукумат фармойиши талабларига қатъий мос тушсагина ҳаётимиз, мол-мулкимиз, иншоот ва биноларимизни шафқатсиз олов комидан сақлаб қолган бўламиз.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

«050» — «ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ» ХАБАРЛАРИ

## Ғаввослар маҳорат кўрсатишди

◆ Шайхонтоҳур туман ИИБдан «Қутқарув хизмати»нинг навбатчилик бўлимига қўнғироқ қилиниб, Анҳор каналида номаълум кишининг сувга чўкиб кетганлиги ҳақида хабар берилди.

Воқеа содир бўлган жойга етиб келган қутқарувчи — ғаввослар Қурбон Рабданов, Дилшод Бозорбоев, Валерий Красков ва Аббос Аббосовлар муздек сув ичидан номаълум эркак жасадини олиб чиқиб, уни ИИБ ходимларига топширишди.

## Эшиклар очиб берилди

◆ Навбатчилик бўлимига кетма-кет уч жойдан қўнғироқ бўлди. Собир Раҳимов тумани, Себзор мавзеси, 1-уй, 61-хонадонда яшовчи Нуралиев уйида газ плитаси ёниқ қолгани, Сергели тумани, 2-мавзе, 2-уй, 79-хонадондан Шамилов уйида 3 ёшли боласи қолгани, шу тумандаги 4-мавзе, 1-уй, 26-хонадондан Мирзааҳмедова эса уйида дазмолни электрдан чиқаришни унутганлиги, калитлар эса ичкарида қолганлиги тўғрисида хабар беришганди.

Қутқарувчилар айтилган манзилларга тезда етиб бориб, эшикни очиб бердилар. Фалокат ва ёнғиннинг олди олинди. Энди шу ўринда бир нарсани эслатиб қўймоқчимиз. Ҳурматли фуқаролар! Уйдан чиқаётганингизда калитлар чўнтагингизда бор-йўқлигини яна бир марта текшириб кўришни унутманг. Бунинг учун кўп вақт кетмайди. Арзимаган эътиборсизлик, паришонхотирлик ниҳоятда қимматга тушиши мумкин.

**Ўткир САИДОВ,**
**Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси матбуот маркази раҳбари.**

ТАДБИРЛАР

**Ёшларимиз онгига маънавий билим ва савияни сингдириш мақсадида жойларда амалий ишлар олиб борилмоқда. Бунда асосан Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари фаолияти муҳим аҳамиятга эгадир.**

## Тарбиянинг бош мезони

Ҳамза тумани маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан 77-мактабда «Маънавият тарбиянинг бош мезони» мавзуида «Қувноқлар ва зукколар» мусобақаси ўтказилди.

Унда мактабнинг «Фаробий» ва «Навоий» гуруҳи вакиллари ўзаро беллашдилар.

Бир неча шартлар асосида ўтказилган мусобақа жараёнида ёшлар маънавият мезони, миллий истиқлол ғоясининг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Ўтказилган ушбу мусобақадан кўзланган асосий мақсад келажак авлодларимизни билимли, маънавиятли ва Ватан олдида масъулиятли шахслар қилиб тарбиялашдир, — дейди «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими раҳбари Ильмира Турсунова. — Гуруҳлар орасидан эса «Фаробий» ёшлари ғолиб деб топилди. Аммо мақсад юқорида айтиб ўтганимдек ёшларни етук инсонлар қилиб тарбиялашдир.

**Орзугул РУСТАМОВА**

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Акмал Икромов номли академик лицей томонидан 2002 йил 28 июнда Ваҳобов Ҳакимжон Воҳиджонович номига берилган L-002190 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ТҲТБга қарашли Марказий поликлиника жамоаси шу поликлиника ходими, педиатрия бўлими мудираси **Лобархон Сайфиевна РУСТАМОВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4531 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-1009. Босмага топшириш вақти 13.00 Топширилди 13.10 123456